

Чумоли мўъжизаси



08:10 / 02.06.2019 5204

Олимларнинг тадқиқот олиб боришларича, чумоли ўзига керакли бўлган дон ва уруғларни ер остига тўплаб, жамғарганидан кейин уни иккига бўлиб қўяди. Чунки дон ва уруғлик иккига бўлиб қўйилса, ҳар қанча ер унумдор бўлмасин, у ўсиб чиқмайди. Лекин чумоли кашнич донини тўрт бўлакка бўлганини кўргач, олимлар таажжубга тушишди. Бу хусусда керакли тадқиқот олиб борилгач қуйидагини кашф қилдилар. Кашнич дони агар иккига бўлинса ҳам ўсиб чиқаверар экан. Лекин тўрт бўлакка бўлинса ўсиб чиқмас экан. Чумолига бу нарсани таълим берган Аллоҳ таоло ҳар қандай айбу нуқсонлардан покдир.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

У: «Бизнинг Роббимиз ҳар нарсага ўз яратилишини берган ҳамда уни ҳидоятга солган Зотдир», деди. (Тоҳа сураси, 50 оят)

Роббимиз шундай зотки, у ҳар нарсага, кўзга кўринмас ҳужайрага ҳам кўз нури етмас улкан мавжудотларга ҳам ўзига хос яратилиш — хилқат берган. Ҳаммаси ўзига хос, бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бири ўзича бир олам. Ҳар бир зарра ўташ учун ҳаракат қилади. Ҳар бир ҳужайра вазифасини ўзига буюрилгани янглиғ тўғри адо этади. Шунингдек, осмоналар ҳам, ер ҳам, тоғу тош, дарё-денгизлар ҳам вазифаларини тўқис адо этади. Уларни бу ишга Аллоҳ ҳидоят қилган, йўллаган.

Islom.uz портали таҳририяти